# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 6 март, № 48 (7550) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Россиянинг «ЛУКОЙЛ» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, жаҳоннинг етакчи энергетик корпорацияларидан бири ва Ўзбекистон нефть-газ комплексининг муҳим инвестори — «ЛУКОЙЛ» билан стратегик шерикликда сезиларли ривожланишга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда компаниянинг қўшма лойиҳаларга киритган сармоялари ҳажми 10 миллиард доллар атрофида. Йилига 8 миллиард куб метрдан зиёд табиий газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюртдаги конларни ўзлаштириш давом этмоқда. Бундан ташқари, «ЛУКОЙЛ» мамлакатимиздаги ижтимоий дастурларни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Компаниянинг корпоратив бошқарув ва нефть-газ тармоғида рақамли технологияларга ўтиш борасидаги тажрибаси ва илғор ечимларини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув соҳасида ҳамда углеводород конларини, жумладан, қазиб олиниши қийин бўлганларини ўзлаштириш борасида кооперацияни мустаҳкамлаш имкониятлари муҳокама қилинди.

Илмий изланишлар ҳамда энергетика тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги ушбу нуфузли молиявий институт делегациясини қабул қилди.**

Ўзбекистон ва ЕТТБ 2017 йилда шерикликни қайта йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган даврда банкнинг мамлакат стратегияси ва қўшма «Йўл харитаси» қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Янги инвестициялар ҳажми 1,1 миллиард долларга етиб, энергетика, иссиқлик ва сув таъминоти, коммуникациялар, йўл ва уй-жой қурилиши каби устувор тармоқларга йўналтирилган. Айни пайтда ЕТТБ киритган сармоянинг учдан бир қисми хусусий сектор ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Тошкентдаги ваколатхонадан ташқари банк Андижонда ўз офисини очди, жорий йил охиригача Урганчда ҳам очишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликда бундай юксак даражага эришилганида Сума Чакрабартининг шахсий ҳиссаси ва фаол саъй-ҳаракатлари борлигини алоҳида қайд этди.

Учрашувда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари батафсил кўриб чиқилди.

ЕТТБ президенти ушбу етакчи халқаро молиявий ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурига ҳар томонлама кўмаклашишни давом эттириш ҳамда шериклик кўламини тубдан кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, банк соҳаси, тўқимачилик ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, кичик бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар, илғор тажриба, илм ва технологияларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

# ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, азиз опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги мақоми ва обрў-эътиборини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Айниқса, баҳорий гўзаллик ва нафосат айёми — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мўътабар оналаримиз, мунис ва дилбар аёлларимиз, латофатли қизларимизга меҳр-оқибат ва юксак иззат-икром кўрсатишдек эзгу ва хайрли анъаналаримиз кенг миқёсда намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни мамлакатимиз хотин-қизларининг энг фаол ва ташаббускор вакилларидан бири — Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалигининг раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Лола Муротова билан телефон орқали мулоқотда бўлиб, яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам билан қизғин табриклади.

Давлатимиз раҳбари самимий суҳбат чоғида Лола Муротованинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва фермерлик ҳаракати ривожига, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қўшаётган беқиёс ҳиссасини, кўп йиллик заҳматли ва ҳалол меҳнатларини, она Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги муносиб хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Лола Муротова қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида ўзининг бой тажрибаси, бутун билими ва куч-ғайратини диёримиз ободлиги ҳамда элимиз фаровонлигига сафарбар этгани, шунингдек, жонкуяр, камтар ва оқила ўзбек аёли сифатида ёш авлод ва бутун мамлакатимиз хотин-қизлари учун чинакам ўрнак ва намуна бўлаётгани ҳурмат билан қайд этилди.

Президентимиз ҳозирги вақтда даволанишда бўлган машҳур фермерга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бардамлик, ҳамиша яқинлари эъзозу ардоғида бўлиб юришликни тилади.

Лола Муротова, ўз навбатида, Юртбошимизга иш жадвали тиғиз бўлишига қарамай кўрсатган чексиз ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашлари учун чин қалбдан ташаккур изҳор этди. Бундай самимий илтифот ва рағбатни мамлакатимизнинг барча аёлларига доимий равишда кўрсатиб келинаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси сифатида мамнунлик ила қабул қилишини айтиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, шу куни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Танзила Нарбаева Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротовани қутлуғ айём муносабати билан қутлаш ва ҳолидан хабар олиш учун Фарғона вилоятига шахсан ташриф буюрди ҳамда Президентимизнинг байрам совғаларини топширди.

**ЎзА.**

Вагит АЛЕКПЕРОВ:

# ИНВЕСТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР ТАҲСИНГА САЗОВОР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Россиянинг "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.*

*Учрашувдан сўнг Вагит Алекперов қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Бугун Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бутун дунё бизнес ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда. Ижтимоий соҳада ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мен бугун "Tashkent City"да бунёд этилган ноёб иншоотларда бўлдим. Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам шу каби бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон фуқароларининг нафақат бугунги, балки эртанги кунга ишончи ортган. Маҳаллий инвестициялар кўпаймоқда. Буларнинг барчаси хорижий инвесторлар ишончини оширади. Қисқа вақтда мамлакатнинг бизнес учун жозибадорлик жиҳатидан энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқилиши таҳсинга лойиқ.

Президентга навбатдаги режаларимиз ҳақида ахборот бердим. Уларни қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Президенти шакллантирган пойдевор асосида янги қонунчилик базаси яратилмоқда. Биз инвестор сифатида амалга ошираётган лойиҳаларимиз барқарор солиқ қонунчилигига таянишидан манфаатдормиз.

Компаниямиз Ўзбекистонда ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ҳам сармоя киритмоқда. Болалар боғчалари қурилмоқда. Учрашувда Газли шаҳри ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш, геология-қидирув соҳасида "Ўзбекнефтгаз" билан қўшма корхона тузиш масаласи муҳокама қилинди.

Президент илм-фан, рақамли технологияларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. "ЛУКОЙЛ" компанияси илмий таълим марказларини ташкил этиш борасида ўзига хос тажрибага эга. Биз олий мактабларни илмий лойиҳа институтларимиз билан бирлаштирдик. Бундай лойиҳа Пермь шаҳрида амалга оширилган. Президент жаноблари мутасаддиларга биз тўплаган тажриба билан танишиш ва уни Ўзбекистонда ҳам жорий этиш бўйича топшириқ бердилар.

**ЎзА мухбири З. ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.**

Сума ЧАКРАБАРТИ:

# УЧ ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАЛИ БЎЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги ушбу молиявий институт делегациясини қабул қилди. Учрашувдан сўнг Сума Чакрабарти қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Аввало, Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатингизда кенг кўламда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан уч йиллик ҳамкорлигимизни нишонламоқдамиз. Мамлакатингиз иқтисодиётига киритган инвестициямиз ҳажми 1,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Жалб қилинган сармоя турли соҳаларда 33 лойиҳани амалга оширишга қаратилган. Биргаликда яна кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқчимиз. Ўзбекистон, айниқса, хусусийлаштириш соҳасида янада жадал ривожланиши зарур.

ЕТТБ хусусийлаштириш соҳасига янада кўпроқ инвестиция киритиш ниятида. Бу, жумладан, корхона ва банкларни хусусийлаштиришга йўналтирилади. Биз табиий ресурслар, тоғ-кон саноати, газ ва энергетика соҳаларида ҳам қўшма лойиҳаларни амалга оширамиз.

Айни пайтда асосий эътиборни нафақат пойтахт, балки вилоятлардаги лойиҳаларга қаратмоқдамиз. Андижонда ваколатхонамиз мавжуд. Жорий йилда Урганч шаҳрида ҳам ваколатхона очиш ниятидамиз. Ваколатхоналаримиз маҳаллий саноатни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама хизмат қилмоқда. Сўзим сўнгида, ҳамкорлигимиз барқарор ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

**ЎзА.**

## Фикр, мушоҳада, эътироф

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АКС ЭТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

Мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи, фуқаролар манфаатларини таъминлашни назарда тутувчи ушбу муҳим ва ҳаётий ҳужжат кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Юртдошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан махсус саҳифамиз орқали танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

# 2020 ЙИЛ ДАВЛАТ ДАСТУРИ: «ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Президентнинг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган.**

## Факт ва рақамлар

**2020 ЙИЛДАН БОШЛАБ** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида **«ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ТИЗИМИ** жорий этилади;

**ЙИЛ ЯКУНИГА КЎРА** Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳолангани ва унинг самарадорлик даражаси мониторинг қилинади;

**2020 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН** Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қатор масалалар юзасидан ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби **ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ**;

**2020 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ** Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, Сенат Кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади;

**2020 ЙИЛ 1 ИЮЛГА ҚАДАР** «Mening fikrim» веб-порталининг мобиль иловаси ишга туширилади.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ АКС ЭТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ

## Ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмади

**2020 йил учун тасдиқланган Давлат дастурида Президентимизнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг барчаси ўз ифодасини топган.**

**Эътиборли жиҳати, бу йилги Давлат дастури қабул қилинишида жамоатчиликдан кўплаб конструктив таклифлар билдирилганини айтиш лозим. Айниқса, ҳудудларда фуқароларимиз мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, соҳаларни такомиллаштириш бўйича ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.**

Асосий муҳокамалар 2020.strategy.uz ҳамда regulation.gov.uz порталларида бўлиб ўтди ва доимий равишда умумлаштирилиб борилди. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, ўз навбатида, ҳудудлардаги вакилларимиз ёрдамида муҳокамалар жараёнини фаоллаштиришга кўмаклашди. Хусусан, жорий йилнинг 11 — 20 февраль кунлари давомида жойларда фуқаролар, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар иштирокида ҳужжат лойиҳаси тақдимотини ўтказиб, нималар режалаштирилаётгани ҳақида ахборот бериб бордилар.

Ушбу учрашувларда билдирилган кўплаб таклифлар, онлайн фикр билдириш имкони бўлмаган фуқароларнинг фикрлари умумлаштирилиб, доимий равишда тақдим этиб борилди. Натижада бизнинг вакилларимиз орқали 1 500 га яқин таклифлар тўпланди. Бу тадбирлар ҳужжат лойиҳаси тўғрисида кенг жамоатчилик фикрини ўрганишга хизмат қилди.

Агар муҳокамалар натижаларини рақамларда айтадиган бўлсак, аҳоли томонидан жами 3 162 та таклиф билдирилди. Энг кўп таклифлар Давлат дастури лойиҳасининг ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишига таллуқли бўлди (815 та). Шунингдек, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишида ҳам кўплаб фикр ва мулоҳазалар қолдирилган (765 та). Аҳолимизнинг бундай фаоллиги бежиз эмас. Чунки охирги уч йил ичида фуқароларимиз, кенг жамоатчилик давлат тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшай бошлади.

Муҳокамалар якунига кўра, жами 62 та концептуал ва 30 дан ортиқ таҳририй ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.



“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,2 млрд. сўм ва 2,2 млн. АҚШ долларига кўпроқни ташкил этишини кўряпмиз.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаган бўлар эдим, бу йилги Давлат дастури кенг жамоатчилик томонидан мойиллик билан кутиб олинди. Бунинг сабаблари талайгина. Биргина прописка тизимининг ислоҳ қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилиши, лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки баравар қисқартирилиши, талабаларга ўқув йили давомида тенг улушда камида 4 маротаба ўқиш учун пул тўлаш имконияти тақдим қилиниши... Бу каби кўплаб ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотлар ҳужжатда акс этгани билан барчамизни қувонтиради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мазкур Фармон билан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида Халқаро мунозара клубини ташкил қилиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

Халқаро мунозара клуби — бу экспертлик платформаси бўлиб, унда маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш, аҳоли ҳамда экспертлар ўртасида сўровлар ва ўрганишлар олиб бориш, жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур клуб Давлат дастурининг самарали бажарилишига ҳамда унда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати йил давомида Давлат дастурининг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиб боради ҳамда уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади. Мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборот ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши ҳам мазкур Фармон билан белгилаб қўйилди. Яъни “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати фуқаролик жамияти вакили сифатида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларга эришилишига кўмаклашади.

Ушбу ҳужжат билан парламент, вазирлик ва идораларга кўплаб вазифалар юклатилмоқда. Энг асосий масала уларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш ҳисобланади. Биз фуқаролик жамияти институти сифатида уларни амалга оширишга кўмаклашишга тайёрмиз.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати раиси.**

## Ҳаётимизни, иш услубимизни ўзгартирадиган ҳужжат

**“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланишидан аввал, унинг лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилингани мазкур ҳужжатнинг нақадар халқчил эканини яққол ифодалайди.**



Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳаллий Кенгашларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича кўплаб таклифлар берди. Шулардан бири — Самарқанд вилоятида маҳаллий Кенгашлар ишини такомиллаштиришнинг ўзига хос тажрибасини ишлаб чиқиш эди.

Йил дастурида ушбу топшириқларни ижро этиш механизмини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Бу биз, сенаторларга янада юксак масъулият юклайди, албатта.

Жорий йилда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг фаолиятини “намунали Кенгаш” сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилиши ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилиниши белгиланган.

Хўш, бу нима беради? Бу, аввало, маҳаллий Кенгашнинг ижро ҳокимиятидан айро ишлашига замин яратади. Маҳаллий Кенгаш ижро ҳокимиятидан холи ишлаганда ҳар бир депутат мавқеи, вазифалари, масъулияти нимадан иборат эканлиги бўйича қўшимча билим ва тажриба талаб этилади. Бу жараёнларга тайёргарлик ишлари Мурожаатнома эълон қилинганидан сўнг сенаторлар томонидан бошланган эди.

Бухоро вилоятида Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан сенаторлар шаҳар ва туманларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар комиссиялари раислари билан ўқув-семинарлар ўтказиши йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

**Абира ҲУСЕЙНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Парламентнинг халқаро алоқалари муҳим аҳамиятга эга

**Давлат дастури янги марраларга эришишнинг асоси бўлади, десак, асло янглишмаймиз.**

**Ушбу дастуриламал ҳужжатда белгиланган амалий ишларнинг бажарилишида парламентимизнинг халқаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.**



Хусусан, Олий Мажлис палаталарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари кўмагида БМТ ўқув марказининг Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида ташкил этилиши юртимизда парламентаризмни ривожлантириш бўйича ўзининг амалий самарасини бериши аниқ.

Таъкидлаш жоиз, кўп йиллар давомида ушбу нуфузли халқаро ташкилот ва унинг муассасалари билан олиб борилган ўзаро ҳамкорлик парламентимиз амалиёти шаклланишида ўзининг натижасини кўрсатди. Янги парламентимизнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш, сайловчилар билан мулоқотни олиб бориш, қонун ҳужжатларининг ижтимоий-иқтисодий таъсирини баҳолаш каби йўналишларни ўзида мужассам этган серқирра фаолиятини юритишда дунё парламентлари билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро тажриба алмашиш ўта муҳимдир.

Шунингдек, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, илғор тажриба, инновациялар ва замонавий технологияларни ҳаётимизга жорий қилишда қулай шароитлар яратиш долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун мутасадди вазирлик ҳамда идоралар томонидан олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик имкониятларини янада кенгайтириш, жаҳондаги етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмалар билан ўзаро алоқаларнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида парламент ҳам ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган ишларини режалаштирган.

**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси.**

## Интернет тезлигида катта ўзгариш бўлади

**Ҳозирги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги олдида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан парламентга йўлланган Мурожаатномада кўрсатилган муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Уларнинг барчаси бу йилги Давлат дастурида ўз аксини топган.**



Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиёт ривожланишини таъминлашда рақамли инфратузилма яратилишининг ўрни беқиёсдир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда IT-соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш зарур. Бу борада ёшларни IT-асосларига кенг ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида таълим олиш учун уларга тегишли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Интернет тармоғини кенгайтириш бўйича замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, фойдаланувчилар эҳтиёжи учун интернетга уланиш имконияти тезлигини ошириш халқаро пакетли коммутация марказларининг ўтказувчанлигини 2,5 баробарга (1200 дан 3 000 Гбит/с.) кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилади.

Шунингдек, интернет тармоқларида йирик хорижий контент ташкил этувчи “Google”, “Yandex” ва “Facebook” каби компанияларнинг ресурсларини республикамиз ҳудудига жойлаштириш ишлари олиб борилияпти.

Вилоятлараро магистраль транспорт ва маълумотлар узатиш тармоқларининг ўтказувчанлик даражасини икки баробар, яъни 200 дан 400 Гбит/с.гача, туманлараро ўтказувчанлик даражасини 1,5 баробар, яъни 40 дан 60 Гбит/с.гача кенгайтириш кўзда тутилган.

Аҳоли масканларини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудуди бўйича 12 минг км. узунликда оптик толали алоқа линиялари қурилади.

Республика телекоммуникация инфратузилмасини замон талаблари даражасида кескин ривожлантириш орқали интернет тармоғини янада кенгайтириш ва бунинг натижасида барча аҳоли масканларини, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, давлат тиббиёт муассасалари ҳамда ташкилотларини, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда

Республикада телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш орқали 2019 йил якунига қадар 3 433 та умумтаълим мактаби, 1 836 та мактабгача таълим муассасаси ва 1 127 та соғлиқни сақлаш объектига жами 4 150 км. оптик толали алоқа линиялари ташкил этилган.

Биргина 2020 йилда оптик толали алоқа линиялари қуриш орқали соғлиқни сақлаш муассасаларининг 95 фоизи, умумтаълим мактабларининг 86 фоизи ҳамда барча мактабгача таълим муассасалари юқори тезликдаги интернет тармоғига уланишини таъминлаш режалаштирилмоқда.

2021 йилда эса барча ижтимоий соҳа объектлари юқори тезликдаги интернет билан таъминланади ҳамда олис ҳудудлардаги аҳоли масканларида ҳам телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Ҳудудларда мобиль алоқа қамровини кенгайтириш мақсадида кейинги икки йилда 4400 та *(2020 йилда 2 200 та, 2021 йилда 2 200 та)* мобиль алоқа тармоқларининг база станциялари ўрнатилади, бу лойиҳанинг асосий эътибори чекка аҳоли масканларига қаратилади. Жорий йилнинг ўзида аҳоли масканларининг кенг полосали мобиль алоқа қамрови 70 фоиздан 85 фоизгача етказилиши режалаштирилди.

Демак, жорий йил АКТ соҳасида барчамиз учун муҳим янгиликларга бой бўлади. Энг асосийси, юртдошларимизга замонавий ва сифатли хизмат турларини кўрсатиш — фаолиятимизнинг муҳим қисмига айланади.

**Акмал ОРИФЖОНОВ,**
**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

## Вазифалар ижроси юзасидан депутатлар назорат олиб боради

**Мамлакатимизнинг 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳаси қарийб икки ой мобайнида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Ушбу жараёнда уч мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида дастуриламал ҳужжатга юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.**



Давлат дастурининг бу тарзда таклиф-мулоҳазалар учун очиқ бўлиши, билдирилган фикрлар ҳисобга олиниши халқ фикрининг қадри, ҳурмати ошаётганидан далолат беради.

Мазкур ҳужжатда парламент фаолиятига оид муҳим вазифалар белгилаб берилди. Чунончи, қуйи палатада йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, парламентни “Халқ уйи”га айлантириш, қонунларни халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, қабул қилишда катта ўрин тутади.

Шунингдек, 2020 йил 1 июлдан бошлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиб бориш тартиби белгиланди.

Миллий парламентимиз тизимида мазкур янги институтларнинг амалиётга жорий этилиши давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш билан бирга, ҳар бир соҳанинг барқарор ривожланишига, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида муҳим омил бўлади.

Биз, депутатлар ушбу дастуриламал ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами орасида тарғиб қилиш ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишимиз зарур.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Мажбурий тиббий суғурта сифатли тиббий хизматни кафолатлайди

**Президентимизнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида 2020 йилда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилиб, келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида ишга туширилиши белгиланди.**



Аввало, айтиш лозимки, мажбурий тиббий суғурта дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида мавжуд. Ва ушбу тизим аҳоли саломатлигини сақлашда юқори натижа бермоқда. Ўзбекистонда ҳам фуқаролар учун мажбурий бўлган тиббий суғурта тизими ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, соҳа ривожини янги босқичга кўтаради. Энг муҳими, соҳа ходимлари зиммасидаги масъулият янада ошади.

Гап шундаки, мажбурий тиббий суғурта тизими йўлга қўйилиши туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг янги тартиби пайдо бўлади. Янгидан қабул қилинадиган “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунга кўра, соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаро ва тиббий муассаса орасидаги муносабатлар тартиби белгиланади. Ҳар бир фуқаронинг сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиниши таъминланади.

Тиббий профилактик чора-тадбирлар замонавий андозаларга мос тарзда олиб борилади. Яна бир муҳим жиҳат: суғурта полисига асосан, юқори сифатли тиббий хизмат кафолатланган тартибда кўрсатилиши баробарида аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун турли имтиёзлар ҳам яратилиши режалаштирилмоқда.

Унга асосан, баъзи тиббий хизматлар уларга бепул кўрсатилади. Вилоятимизда ушбу тизимни жорий этишга ҳозирлик ишларини, аввало, унинг моҳиятини аҳолига тушунтиришдан бошлаймиз. Бунинг учун эса барча имкониятларга эгамиз.

**Рустам ЙЎЛДОШЕВ,**
**Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.**

## Ҳам профессор-ўқитувчилар, ҳам талабалар учун енгиллик



**Сўнгги йилларда олий таълим тизимида кўплаб ижобий янгиликлар рўй бераётганини эътироф этиш жоиз. Мисол учун, ҳозирги кунда тест тизимида катта ўзгаришлар бўляпти, жумладан, имтиҳонлар бир кунда эмас, ўн беш кунда ўтказиляпти, иккинчидан, тест блокларидаги фанлар сони кўпайтирилди, бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртларига имтиҳон топшира олиш билан боғлиқ қулайликлар абитуриентларнинг ўқишга кириш имкониятларини оширмоқда.**

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган бу йилги Давлат дастури бу борадаги ишларнинг изчил давом этишини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки баравар қисқартирилиши ҳам профессор-ўқитувчилар учун, ҳам талабалар учун турли енгилликларни яратади. Чиндан ҳам, олий ўқув юртларида мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар кўпайиб кетган. Улар талабаларни мутахассислик фанларидан чалғитади, уларнинг шунчаки вақтини ўғирлайди. Бир соҳанинг мутахассиси бўламан деган талабага ортиқча фанни ўқишдан маъни йўқ. Бу муаммонинг бартараф этилиши ёшларнинг таълим олишга иштиёқини оширади.

Шунингдек, Давлат дастурида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилиши белгиланди. Бунинг афзалликлари кўп. Масофавий таълим талабанинг вақти ва маблағини тежайди. Қисқача айтганда, олий талим тизимига оид вазифалар ижроси ушбу соҳанинг дунё стандартлари асосида ривожланиб боришига хизмат қилади.

**Ислом ҚЎЗИЕВ,**
**Тошкент молия институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

## Энди шартнома пулини бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин

**Юртимизда эсаётган ўзгаришлар эпкини ёшлар ҳаётини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Таълим олишимиз, иқтидоримизни намоён этишимиз, жамиятда ўз ўрнимизни топишимиз учун кенг шароитлар яратиляпти.**



Президентимиз Фармони билан қабул қилинган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳам Ўзбекистоннинг барча ёшларини ғоятда хурсанд қилгани, шубҳасиз. Айниқса, мени мамнун этгани — ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти яратилишидир.

Гап шундаки, оиламизда икки киши тўлов шартнома асосида олий таълим олади. Тўғриси, ҳам менинг, ҳам акамнинг ўқиши учун шартнома пулини тўлашда турли қийинчиликлар бўлаётгани бор гап эди. Баъзан ушбу муаммолар сабаб академик таътил олиб, ўқишимни сўнгроқ давом эттирсам бўлмасмикан, деб ҳам ўйлаб қолардим. Энди ҳолат анча енгиллашади. Тўлов шартнома пулини бўлиб-бўлиб тўласак, ишонаманки, бу масалалар ўз-ўзидан ечилади. Давлат дастурида кўзда тутилган бундай чора-тадбирлар келгусида олий маълумотли ёшларнинг сафи янада кенгайишига замин яратиши аниқ.

**Дилноза НАРЗУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.**

AGROBANK

*Азиз опа-сингиллар!*

*Табиат уйғониб, тобора чирой очиб бораётган ушбу шукуҳли дамда сиз азизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклаб, энг эзгу тилакларни йўллашдан бахтиёрмиз.*

*Яқинларингиз ва халқимизнинг меҳри ардоғида яшаш ҳаммангизга насиб этсин!*

*Хонадонингиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!*



**«Агробанк» АТБ жамоаси.**

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасидан юклаб олинг.
App Store
Google Play
www.agrobank.uz
Телефон: 71-203-88-88.
Хизматлар лицензияланган.

MIKROKREDITBANK

*Аёл борки, олам мунаввар,*
*аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор*

**“Микрокредитбанк” жамоаси —** гўзаллик, нафислик ва латофат рамзи бўлган барча аёлларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади!

**30%** Бошланғич тўлов 30 % дан кам бўлмаган миқдорда.

**26%** Бошланғич тўлов 50 % дан кам бўлмаган миқдорда.

**28%** Бошланғич тўлов 40 % дан кам бўлмаган миқдорда.




“Микрокредитбанк” гўзаллик рамзи бўлган аёлларимизга муносиб совға олиб беришингизга кўмаклашади!

Хизматлар лицензияланган.



TURON BANK

*Қадрли ва мунис аёллар!*

*“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси янгиланиш ва нафосат байрами бўлмиш 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан меҳрибон оналаримиз, ғамхўр опа-сингилларимиз, ишбилармон аёлларимизни чин қалбдан қутлайди!*

*Нурли юзингиздан сеҳрли табассумингиз ҳеч ҳам аримасин, оилавий тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди!*

turonbank turonbankuz turonbank

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT

**САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!**

**100**



***дарддан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси***

***Электр сандал «PGS-032» (танча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.***

***Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдини олувчи таъсир кўрсатади.***



MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN.
Tel.: 95-169-78-51, 95-169-78-52, 95-169-78-53.
www.pgs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 62 954 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.40 2 3 4 5 6